

2018

TYPOLOGICAL PECULIARTIES OF SCIENCE OF BALAGHAH, RHETORIC AND STYLISTICS

Salimaxon Rustamiy

International Islamic Academy of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Rustamiy, Salimaxon (2018) "TYPOLOGICAL PECULIARTIES OF SCIENCE OF BALAGHAH, RHETORIC AND STYLISTICS," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**БАЛОҒАТ, РИТОРИКА ВА
СТИЛИСТИКАНИНГ ТИПОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
НАУКИ БАЛАГАТ, РИТОРИКИ И
СТИЛИСТИКИ**

**TYPOLOGICAL PECULIARTIES OF
SCIENCE OF BALAGHAH, RHETORIC AND
STYLISTICS**

Калит сўзлар: филологик фанлар, балоғат, риторика, стилистика, вазъий далолат, санъат, сўзловчи.

Ключевые слова: филологические науки, балагат, риторика, стилистика, денотация, фигура, адресат.

Keywords: philological sciences, balaghah, rhetorics, stylistics, denotation, figure, addresser.

Жаҳон тилшунослигида биринчи компаративист ва типолог Маҳмуд Кошғарийдир. Маҳмуд Кошғарий Девоннинг муқаддимасида «мен тилда уларнинг (туркларнинг – С.Р.) энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, ...эски қабиаларидан... эдим» [7:14] деб ўзининг турклардан эканини ва бу тилни пухта билишини таъкидлаб ўтади. Аммо асар орқали унинг араб ва форс тилларини ҳам пухта ўлаштирганини кўриш мумкин. У ўзининг «Дивону луғоти-т-турк»ида туркий лаҳжаларга нисбатан қиёс методини, турк ва араб тилларига нисбатан лозим бўлган ўринларда чоғиштирув методини қўлаган.

Баъзан «чоғиштирув» ўрнида «қиёс» ишлатилади. Ҳолбуки, қиёс компаративистика, яъни тарихий-қиёсий тилшуносликнинг методи. Бунда қардош тиллар ёки лаҳжалардаги тил бирликлари таққосланиб асл шакллари аниқланади. Чоғиштирув эса типологияга хос метод бўлиб, бунда қардош бўлган ва бўлмаган тиллардаги унсурларнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари аниқланади. Жаҳонда биринчи бўлиб юксак савиядаги типолог асар яратган олим Алишер Навоийдир [5]. У ўзининг «Муҳокамату-л-луғатайн» [1] асарида форс ва туркий тилларни лингвистик маҳорат билан чоғиштирган. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда О. Азизов, М. Мирзаев, А. Сафаев, А. Бўрибеков, И. Киссен, Е. Поливанов ва бошқа олимлар томонидан рус ва ўзбек тиллари ҳамда Ғарбий Европа ва ўзбек тиллари чоғиштирма

фонологияси, фонетикаси ва грамматикасига оид йирик асарлар яратилди ва кўплаб диссертациялар ёқланди. Чоғиштирама стилистика билан рус ва Ғарбий Европа олимларидан И.В. Арнольд, А.В. Федоров ва бошқалар шуғулланганлар. Аммо балоғат билан стилистиканинг типологик хусусиятларига бағишланган махсус тадқиқот мавжуд эмас. И.Ю. Крачковский, А.Б. Куделин, И.Абдуллаев каби олимларнинг шарқ шеърляти ва шоирларнинг ижодига бағишланган баъзи асарларида айрим типологик ҳолатлар тилга олинган.

Филологларимиз олдида биринчидан арабий, форсий ва туркий эътибори билан чоғиштирама балоғатни, иккинчидан балоғат билан стилистиканинг чоғиштирама баҳсини яратиш вазифаси турибди. Булар жаҳон миқёсига эга бўлган умумий услубшуносликнинг яратилишига асос бўлади.

Инсониятнинг нутқ соҳасида гўзалликка интилиши шу хусусдаги илмларнинг яратилишига сабаб бўлди. Натижада Шарқда «балоғат», Ғарбда «стилистика» деб номланган илмлар шаклланди.

Стилистика фани Ўзбекистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг бошқа туркий халқлар яшайдиган республикаларида балоғат илмининг замонавий кўриниши деб қабул қилинади. Аммо мумтоз асарларнинг бадиий жиҳатига Б. Саримсоқов, Ё. Исҳоқов, А. Хожиаҳмедов, А. Рустамов, Н. Тўлаганов, Ҳ. Усмонов, З. Ҳамидов каби олимлар томонидан балоғат асосида тавсиф берилган.

Ғарб олимлари балоғат илмини «rhetoric» ёки аниқроқ қилиб «Arabic Rhetoric», «Arab Islamic Rhetoric», айримлари ўзгаришсиз «Balaghah» деб қўллайдилар ва балоғатни риторикага боғлайдилар. Қуйидаги фикрлар ҳақиқатан ҳам балоғатни риторикага жуда яқинлаштиради: «Риторика – нотиқлик санъати ҳақидаги фан, яъни у фикрларни гўзал шаклда баён қилиш ва уларни тингловчида қизиқиш уйғотиб, осон ўзлашадиган тарзда жойлаштириш қоидаларидир»[4]. Аммо риторика қуйидаги жиҳатлари билан балоғатдан фарқ қилади: Риторика (грек. rhetorike) – нотиқлик санъати, умуман, бадиий наср ҳақидаги фан. Унинг беш қисмдан иборат таснифи ҳам, таркиби ҳам ўзгача, антик даврда Ғарбда вужудга келган, XIX асрда унинг оғзаки ифода таълимоти поэтикага қўшилиб кетиб, адабиёт назариясининг «стилистика» деб аталган бўлимига айланган. Риториканинг талаблари, қўлланиш доираси, объекти кенг бўлганидан уларнинг чегараси аниқ белгиланмаган. Шунинг учун ҳам С.И. Гиндин риторика терминини икки (тор ва кенг) маънода қўллашни таклиф этади.

«Балоғат» луғатда «балоғатлик», яъни вояга етишни ва «балиғлик» чечанликни билдиради. Ис-

Мақола балоғат илми, риторика ва стилистиканинг типологик хусусиятларига бағишланган. Унда балоғат илмида сўзловчининг тилдан фойдаланиш маҳорати ҳисобга олинмиши, риторика бадиий наср ҳақидаги фан экани, стилистиканинг объект жиҳатдан балоғатга мувофиқ қисми «филология стилистикаси» деб аталиши асосланган.

Статья посвящена типологическим особенностям науки балагат, риторики и стилистики. Аргументируется, что в науке балагат особое внимание уделяется мастерству использования языковых средств адресата, риторика является наукой о художественной прозе, объект «филологической стилистики» соответствует объекту науки балагат.

Article is devoted to the typological features of the science of balaghah, rhetoric and stylistics. In the article, it is argued that in the science of balaghah special attention is paid to the skills of using of the addressee's language means, rhetoric is the science of artistic prose, and the subject of "philological stylistics" corresponds with the subject of the science of balaghah.

тилоҳда каломга нисбатан «балоғат»нинг иккинчи маъноси асос бўлган. «Стилистика»нинг луғавий маъноси қаламкашлик. Юнончада «стилос» антик даврда қўлланган ёғочдан йўниланган чўбқаламни билдиради. «Стилист» стилчи, яъни қаламкаш, «стилистика» стилистлик, яъни қаламкашлик демакдир. Бу сўзларнинг луғавий маънолари уларнинг мавзу кўламига асос бўлган. Балоғатнинг мавзу кўлами тор, стилистиканики кенг. Балоғат нутқ доираси билан чекланган. Стилистика эса нутқдан ташқари маданиятнинг турли соҳаларига, масалан, тасвир, мусиқа, театр, меъморчилик, ижод муаллифларига нисбатан ҳам ишлатилади.

Стилистиканинг объект жиҳатдан балоғатга мувофиқ қисми «филология стилистикаси» деб аталади.

Балоғатга қуйидагича таъриф берилади: балоғат – каломнинг вазият тақозосига мос равишда фасоҳатли бўлиши [13:325-326]. Балоғат илми маъоний, баён, бадиъ илмларини ўрганади.

Филологик стилистика адабиётшунослик стилистикаси ва тил стилистикасига (лингвостилистикага) бўлинади. Буларнинг биринчиси ҳақида тўлиқ маълумотни А.И. Ефимов, иккинчиси ҳақида И.В. Арнольд берган.

И.В.Арнольд лингвостилистикага шундай таъриф беради:

«Ш.Балли томонидан асос солинган лингвостилистика умуммиллий шаклни мулоқотнинг махсус, турли соҳаларга хос бўлган функционал стилистика ва диалект деб аталувчи тармоқлари билан таққослайди («лингвостилистика» тор маънода «функционал стилистика» деб аталади) ва тил эле-

ментларини уларнинг ҳис-ҳаяжонни ифодалаш, қўшимча ассоциация ва баҳолаш хусусиятларига кўра ўрганади» [2:12].

И.В. Арнольд, шунингдек, лингвостилистикани қуйидагича тасниф қилади: сўз ва унинг маъноси; денотатив ва коннотатив маъно; коннотациянинг эмоционал, баҳоловчи, экспрессив ва стилистик таркиби; эмоционал, экспрессив, баҳоловчи ва стилистик коннотацияларнинг бирга қўлланиши; сўз ясаш даражасидаги экспрессивлик; стилнинг омили – сўзнинг семантик тузилиши ҳамда ҳақиқий ва кўчма маъноларнинг ўзаро таъсири; сўздаги кўп-маъноликни такрор билан биргаликда қўллаш; синоним ва қисман такрор.

Мазкур олим адабиётшунослик стилистикаси ҳақида шундай ёзади:

«Адабиётшунослик стилистикаси бадиий асар, муаллиф, адабий оқим ёки бутун бир даврга хос бўлган барча бадиий ифода воситалари ва бадиий ифода билан боғлиқ омиларни ўрганади» [2:12].

О.С. Ахманова стилистиканинг иккита вазифаси борлигини айтади: «Буларнинг биринчиси турли, жумладан индивидуал ва жанр стилларини ўрганиш. Иккинчиси турли тил воситаларининг экспрессив ҳис-ҳаяжон баҳолаш хоссаларини ҳам парадигматик планда (яъни, шутил тизимида – «тил стилистикаси»), ҳам синтагматик планда, яъни уларни нутқ орқали мулоқотнинг турли соҳаларида қўлланилиши жиҳатдан («нутқ стилистикаси») ўрганишдир» [3:454].

Мазкур вазифаларнинг биринчиси балоғатда йўқ. Чунки Шарқ тилшунослигида бу вазифада эътиборга олинган турлар калом етуклигига эмас, турларига боғлиқ. Иккинчиси эса балоғатга ҳам тегишлидир. Бу вазифа объекти бўлган воситалар балоғатда «санъат», стилистикада «фигура» деб аталади.

Стилистикада «функционал стиллар» деган тушунча мавжуд бўлиб, бунда нутқнинг турли соҳага оид хусусиятлари ҳисобга олинади. Араб тилида «услуг» стилистикадаги мана шу «функционал стиль»га тўғри келади ва у балоғатдан ташқарида ўрганилади.

Ҳозирги даврда стилистика фанида «тил стиллари» ёки «функционал стиллар» асосий атамага айланган бўлса-да, унинг аниқ чегаралари ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат тил стилларини таснифлаш ва ўзаро фарқлашда қийинчилик туғдирмоқда. Бундай муаммонинг мавжудлигини стиль ва стилистик воситалар ҳақидаги қарашларни умумлаштириш ва бир тизимга солишга ҳаракат қилган Е.Ф. Петришчева ҳам алоҳида таъкидлайди: «Стиль тушунчасининг моҳиятини, мундарижасини аниқлаш стилистиканинг энг мураккаб ва кам ўрганилган муаммоларидан биридир».

Тилшунослик тарихида функционал стилларни ўрганишга, уларни таснифлашга ҳамда ўзаро фарқлашга уринишлар бўлган. Функционал стилларни белгилашда баъзи олимлар экстралингвистик омиларни, бошқа олимлар эса соф лингвистик омиларни бирламчи деб билганлар. Масалан, рус тилшунослигида проф. А.М. Пешковский илк бора функционал стилларни тил функциялари асосида ажратишга ҳаракат қилган.

Араб тилидаги услуб ва стилистикадаги функционал стиллар орасида уларнинг турларга бўлиниши жиҳатидан фарқ бор. Услуб араб тилида уч турга бўлинган: илмий услуб, адабий услуб ва хитобий услуб. Буларнинг дастлабки иккитаси хусусида тўхталишга ҳожат йўқ. Учинчиси хусусида бир оз тўхталиш жоиз.

Хитобий услуб мазмун жиҳатдан стилистикадаги публицистик услубга тўғри келади. Чунки хитобий услуб маҳсули бўлган хитоба (ваъз) ҳам публицистик услуб каби жамиятда кечаётган долзарб масалалар ва ҳодисаларга бағишланади, жамоанинг турли-туман фикрлари, жумладан, ҳаётдаги кескин муаммоларни ифодалаш воситаси сифатида сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан муҳим роль ўйнайди ва бу услуб араб тилида қадимдан мавжуд. Қуйидаги мулоҳазалар бунинг далили бўла олади: «Ал-хитоба... дейилганда, нутқ, шунингдек, омма олдида қилинган ваъзхонлик назарда тутилади... Жоҳилия даврида ҳам анча ривожланган бўлиб, қабилавий шароитнинг ўзи ҳам унинг тараққий топишига сабаб бўлар эди... Қабила нотиғи ўзининг оташин нутқи билан қабила шарафи ва нуфузини сақлашга ёки унинг ошишига хизмат қилар, қабилаларни ўзаро сулҳ тузишга ундар ёки мунозара-муноқашаларда иштирок этиб, ўз қабила аъзоларининг афзалликларини исбот қилар, ё бўлмаса бошқа қабилаларга уларнинг куч-қувватини кўрсатиб, уларни кўрқитиш учун таҳдид қилар эди... Нотиқ қанчалик сўзамол, ҳозиржавоб бўлиб, ўз нутқини бадиий восита ва сўз санъатлари билан бойитса, атрофида мухлислари кўпаяди ҳамда у эслаб қолувчи ровийларнинг эътиборини ҳам қозонади. Жоҳиз қабилаларнинг сўзга чечан нотиқлари ҳақида шундай ёзган: “Сўз араб учун ҳамма нарса бўлиб, у ҳозиржавоблик ва бадиҳа (импровизация)да намоён бўлади» [11:30-31].

Айрим ғарб тадқиқотчилари хитобани балоғат билан қориштириб юбордилар. Бу масалага Ф. Холден ўзининг «Араб ислом риторикаси нима?» номли мақоласида қуйидагича муносабат билдиради:

“Араб ислом риторикаси” тадқиқотларида, анъанага кўра, етакчи тенденция нотиқлик назарияси ва амалиётининг муҳим анъанаси бўлган грек фалсафий ваъзининг бир қисми сифатида қайта ишланган хитоба илми (“оммавий нутқ ёки нотиқ-

лик фани”)га эмас, балки балоғат илми (“чечанлик санъати фани”) га қаратилади. Бундай тафовут, асосдан холи эмаслигига қарамай, баъзи жиҳатдан чалкашликка олиб келади. Бу мусулмон нотиклик санъати, шунингдек ваъзхонлик етарли даражада ўрганилмаганини кўрсатади. Чунки фаолиятнинг бу тури балоғат илмига эмас, хитоба илмига оид-дир» [12].

Кўринадикки, хитоба ҳам, балоғат ҳам Ғарб олимлари томонидан яхши ўрганилмаган илмлардан ҳисобланади.

Стилистикада функционал стилларнинг тури кўп. Мазкур уч турдан ташқари яна қуйидаги турлар мавжуд, масалан: оддий маиший стиль, оддий иш стили, расмий ҳужжат стили, бадиий биллетристтик стиль ва б.

Балоғат илмида бундай тушунчалар йўқ. Балоғат илмида нутқнинг ўзида мавжуд бўлган тил хусусиятлари эмас, сўзловчининг тилдан фойдаланиш маҳорати ҳисобга олинади.

Балоғатнинг баён бўлимида лафз нимани билдириши тушунилади. «Лафз» деганда, умуман каломнинг, хусусан, сўзнинг товуш жиҳати назарда тутилади, унинг билдиргани «маъно» дейилади. Сўз ваъз натижаси, яъни белгидир. Ваъз илми¹⁶⁴ Фердинанд де Соссюрнинг тил назариясида акс этган. У тил маъно билдирувчи белгилар тизимидан иборат деб, тил белгисининг икки жиҳати, билдиргичи (фр. *signifiant*) ва билдирмиши (фр. *signifié*) бор, дейди [10:98-103]. Аммо Соссюрнинг назариясига кўра билдиргич товушдан эмас, унинг онгдаги тасаввуридан иборат. Чунки тил форма, субстанция¹⁶⁵ эмас деб, тилнинг товуш жиҳати тилнинг ўзига эмас, сўзлашувга оид, дейди. Аммо тилдан унинг товуш жиҳатини соқит қилмайдиган тилшунослар билдиргич баён илмидаги каби товушдан иборат [8:427-429], дейдилар. Семасиологияда далолат «сигнификация» ва «референция»; долл, яъни билдиргич «сигнификат»; мадлул, яъни билдирмиш «денотат» ва «референт» деб аталади. Семасиологияда «семантик учбурчак» деган тушунча мавжуд бўлиб, бунда сигнификация учбурчак шаклида ифодаланади. Бурчаклар қуйидагиларни ифодалайди:

1) сўз шакли ёки фонетик сўз; 2) сигнификат, яъни маъно; 3) референт, яъни сўз билдирган тушунча ва нарса.

¹⁶⁴ Сўзнинг белгилик хусусиятлари ва унинг ясаиш усули ҳақидаги илм «илму-л-ваъз» (Ғарбда «ономасиология») деб аталади. Абдурахмон Жомийнинг бу илмга бағишланган рисоласи мавжуд. Унинг тошбосма нусхаси Ўз ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Қўлёзмалар институтида сақланади.

¹⁶⁵ Форма (сурат, шакл) ва субстанция (жавҳар, маҳалл) фалсафий истилоҳ бўлиб, бу ўринда форма тил бирликларининг муносабати, субстанция уларнинг талаффузини билдиради.

Буларнинг орасидаги муносабат фонетик сўзнинг маъно орқали референтни билдиришидир. Ғарб семасиологиясидаги семантик учбурчакнинг мазмуни шундан иборат бўлиб, бу шарқча ифода қилинса, биринчи бурчакдаги тушунчанинг тилшуносликдаги номи «лафз», баён илмидаги махсус номи «долл», иккинчи бурчакдаги тушунчаники «далолат», учинчисиники «мадлул» бўлади. Буни оддий таъбир билан айтганда, сўз ўзининг лафзий ва маъновий жиҳати билан нарса ёки ҳодисани билдиради. Бу ҳодиса ҳақида балоғатнинг баён илмида фикр юритилади.

Баён илмида далолатнинг «бир нарсанинг бошқа нарсани билдириши» таърифи келтирилади, унинг турлари таҳлил қилинади, яъни далолатни доллнинг эътиборига кўра лафзий ва ғайрилафзий (лафзий бўлмаган) далолатга бўлиниши; агар сўз ўзи билдирган нарса ва тушунчага далолат қилса, лафзий бўлиши; агар сўз ўзи билдирган нарса ва тушунчадан бошқасини англагач, ғайрилафзий далолат бўлиши; ғайрилафзий далолатнинг баён илмига алоқаси йўқлиги таъкидланади.

Шунингдек, лафзий далолатнинг вазъий, табиий ва ақлий турлари мавжудлиги; вазъий далолатда бир сўзнинг айнан шу нарса учун тайинлангани тушунилиши; табиий далолатда лафзлар табиатдан олингани; ақлий далолат ва мадлул ақл орқали идрок қилиниши; лафзий далолатнинг табиий ва ақлий турлари баён илмига киритилмаслиги каби маълумотлар бор.

Шулардан келиб чиқиб стилистикага мурожаат қилинса, қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кузатилади:

стилистикада «денотация» ва «коннотация» деган тушунчалар бор. Сўз нимага атаб яратилган бўлса, шуни билдириши денотация. Бу асл маънодан ташқари, қўшимча маънони билдириш коннотациядир. Бундан ҳис-ҳаяжон билан боғлиқ маънолар тушунилади. Денотация балоғатда «вазъий далолат» дейилади, коннотациянинг муодили йўқ.

Баён илмида далолатнинг вазъий тури мутобиқийа, тазминийа ва илтизомийа деб номланувчи учта гуруҳга ажратилади. Булардан мутобиқийада лафз бирор тушунча ёки нарсани тўлиқ англагач, тазминийада унинг бир жиҳатини билдиради; илтизомийа маънонинг бирор тушунча ёки нарсанинг заминидан мавжуд бўлмай, ташқаридан киритилганидир.

Замонавий тилшуносликда ўрта аср балоғат олимлари томонидан кўрсатилган мутобиқийа «тўғри маъно» ва илтизомийа «кўчма маъно» касб этган сўзларга нисбатан қўлланади.

Адабиётшунослик стилистикасига тааллуқли бўлган бадиий ифода воситалари ва бадиий ифода билан боғлиқ омилар балоғатнинг бадиъ илмида

ўрганиладиган бадий санъатларга моҳиятан мос келади. Лекин уларнинг таркиби, санъатларнинг ўзига хос хусусиятлари масалалари чоғиштира тадқиқотга муҳтож.

Балоғат билан стилистиканинг юқорида келтирилган айрим типологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда филологларимиз олдида биринчидан арабий, форсий ва туркий эътибори билан чоғиштира балоғатни, иккинчидан, балоғат билан стилистиканинг чоғиштира баҳсини яратиш вазифаси тургани маълум бўлади. Бу вазифанинг адо этилиши жаҳон миқёсига эга бўлган умумий услубшуносликнинг яратилишига асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. МАТ. 16-жилд (20 жилдлик). – Т.: Фан, 2000. – Б. 6-40.
2. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. –М.: Просвещение, 1990.
3. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: Советская энциклопедия, 1966.
4. Большой Энциклопедический словарь. 2000. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc3p/255942>.
5. Боровков А.К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка // Алишер Наваи. Сборник статей под редакцией А.К. Боровкова, – М.-Л., 1946. – С. 93-98.
6. Киссен И.А. Краткий очерк фонетики русского языка в сопоставлении с фонетикой узбекского языка. – Т., 1952.
7. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғоти-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи: Қ. Содиқов. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2017.
8. Лайонз Ж. Введение в теоретическую лингвистику. –М.: Прогресс, 1978.
9. Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Т.: Госиздат, 1933.
10. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. –М.: Прогресс, 1977.
11. Ходжаева Р. Мумтоз араб адабиёти жанрлари тизими ва типологияси. –Т., 2015.
12. Hallden Ph. What is Arab Islamic Rhetoric? http://www.org.uib.no/smi/pal/Abstract_Lund_38PH.PDF.
13. Salih Sasah. Al-munjid fi al-I'rab va al-qava'id va al-balaga va al-arud. – Damashq (nashr tarixi ko'rsatilmagan).

Salimaxon RUSTAMIY,

*Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги в.б.
филология фанлари доктори, доцент*